ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

БИЗНЕС ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ КОГНИТИВ АСПЕКТДА ЎРГАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гавҳарой Исроилжон қизи
Андижон давлат университети
gavharoy7575@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада когнитив тилшуносликнинг энг катта тармоғи лексик когнитология бўйича бизнес туризми атамаларини тушуниш ва уларни когнитив таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Бизнес туризми атамаларини когнитив тушуниш ва бу соҳани тўлақонли ўрганиш мақсадида, дунё тажрибасидан бизнес туризми атамаларини когнитив аспектда ўрганиш ҳам соҳани ривожлантиришдаги муҳим харакатларданлиги ва туризм тил ва тилларни ўрганиш билан амалга ошириладиган моделлар тақдим этилган. Бизнес тууризми атамаларига оид тафаккур, билим маданий ҳодиса сифатида талқин қилинганда, бу шаклдаги билимнинг маълум ижтимоий гуруҳ маданияти учун хос бўлган меъёрларга қанчалик даражада мос келиши назарда тутилади.

Калит сўзлар: когнитив, концепт, тушунча, лингвистик ҳодиса, сўз ва сўз бирикмалари, концептуал модел, демографик модел, ижтимоий тест модели.

FEATURES OF LEARNING OF BUSINESS TOURISM TERMS IN THE COGNITIVE ASPECT

ABSTRACT

The article deals with issues of understanding the terms of business tourism in lexical cognition, the largest type of cognitive linguistics, and their cognitive analysis. In order to cognitive aspect of understanding the terms of business tourism and to completely explore the field, the cognitive study of business tourism terms from the world experience is also an important step in the development of the industry and models of tourism language and language learning are presented. Understanding about the term of business tourism, when knowledge is interpreted as a cultural phenomenon, refers to the extent which this form of knowledge conforms to the norms inherent in the culture of a particular social group.

Keywords: cognitive, concept, notion, linguistic event, word and word combinations, conceptual model, demographic model, social testing model.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

КИРИШ

Бугунги кунга келиб, тилшунос олимлар мулоқотда когнитив йўналиш ва концепт атамаларини кенг қўлланилаётгани барчамизга маълум. Когнитологиянинг таянч нуқтаси бўлган тилшуносликнинг когнитив кўриниш олиши нима билан боғлиқ ва унинг тадқиқ объекти, мақсади ва вазифалари нималардан иборат? Бу жараён ҳар бир фан тарихида юксалиш, тараққиёт, ривожланиш даври бўлганидек, инқироз, таназзул босқичлари бўлиши ҳам муқаррар. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ўз-ўзидан олимлардан ўрганилаётган объектга янгича нигоҳ билан қарашни, олдингиларидан фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Когнитология – билиш назариясининг асоси, инсоннинг билиш фаолияти ҳақидаги фан эканлиги ушбу рисоланинг илк саҳифаларидаёқ қайд этилди. **[Сафаров Ш. 2006, 122 б.**] Шундай экан, когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади ҳам тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироки ва улушини аниқлашдир. Тил бирликларининг эгалланаётган билимнинг лисоний фаолиятининг ахборотни шакллантириш ва “қайта ишлаш” даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир. Лисоний фаолият-когнитив фаолият билан бевосита боғлиқ, унинг ажралмас бир қисми. Аммо когнитив тилшунослик, когнитологиянинг бошқа соҳаларидан фарқли ҳолда, инсон томонидан тил тизимини ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштирилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини қай йўсинда тартибга солиниши каби масалалар билан шуғулланади. Когнитивист - тилшунос лисоний ҳодисаларнинг тафаккур фаолиятидаги ўрни, бажарадиган вазифалари билан қизиқади. Лекин бу қизиқиш оддий эмас. У (когнитивист) лисоний ва тафаккур фаолиятлари муносабатларининг юзага келтирувчи сабабларни қидиради ва бу сабаблар оқибати бўлган мулоқот матнлари-лисоний тузилмаларни таркибан ва мазмунан англашга. Таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Демак, когнитив тилшунослик асосан инсон лисоний фаолиятини сабаб ва оқибат боғлиқлигида тадқиқ этувчи, “тушунтирувчи” фан соҳасидир. **[Демянков, 1994].** Бундай тадқиқ икки йўналишда бажарилади: а) нутқий фаолият ижроси ва унинг маҳсулининг пайдо бўлиши; б) ушбу фаолият маҳсулотларининг идроқ этилиши. Кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан танланган йўналиш ва услубнинг бевосита тил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

материалига тадбиқ этилиши билан боғликдир. Когнитив тилшуносликнинг тараққий этган соҳаларидан бири когнитив лексикологиядир.

Табиийки, барча йўналишдаги лингвистик тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ягона тил тизими ёки аниқроғи, лисоний фаолият ва унинг маҳсули. Аммо, уларнинг барчасида (систем-структур тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги ва ҳ.к) асосий эътибор тайёр маҳсулот сўз, сўз бирикмаси, атама, гап ва матн кабиларнинг тузилиши ва таркибини, маълум ҳолларда маъно хусусиятларини ўргатишга қаратилган. Тайёр маҳсулот таҳлили билан қизиқаётган бу соҳалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарли даражада эмас. Бунинг устига баъзи ҳолларда тадқиқотчилар орасида бирон бир лингвистик ҳодисани қайси соҳа объекти бўлиши ҳақида, ёки умуман бу ҳодисалар қай даражада тил тизимига оид бўла олиши борасида мунозара ва баҳслар давом этмоқда. Асоссиз тортишувлар ва натижасиз муҳокамалар фанда қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Н.Чомскийнинг айтишича “Бу, ҳатто, тил тизими ҳам аниқ ва ажратилган тадқиқот объекти бўла олмайди” Юқоридагилар мана шундай фикрлар туғилишига сабаб бўлиши мумкин. “Гап тил бирлигими ёки нутқ тизимига оидми?” “Анафора фақатгина матн таркибида юзага келадиган ҳодисами ёки уни гап грамматикаси ўрганилаётганда ҳам инобатга олиш лозимми?” қабилидаги бефойда, назарий хатоликларга сабаб бўлувчи мунозаралар билан машғул бўлиш ўрнига юқорида айтилган соҳалар ўртасидаги туташ нуқталарни излаш лозим. Соҳалар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида объектнинг, умуман, воқеликнинг янги қирраларини, илгари кўз илғамаган хусусиятларини сезиш мумкин. Бу эса фанда мажмуавий муаммо ва вазифаларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мажмуавий муаммо соҳалараро ёндашувни талаб қилади. Файласуфларнинг эътироф этишларича, “ агарда объектнинг алоҳида хусусиятини тасвирлаш ва ўрганиш лозим бўлса, бунга якка бир фан соҳасининг имконияти етарлидир”. Объектнинг ўзгариши, бошқа кўриниш олиши ҳақида гап кетганда эса, мажмуавий (комплекс) ёндашув зарур бўлади. Чунки объектнинг бошқа томонлари, хусусиятларини ҳам ўрганиш эҳтиёжи туғилади. **[А.Н.Кончаргин, 1988,5 б.]**

Бинобарин, гап таркибидаги бўлаклар тартибини аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарлидир. Гап тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар (эллипсис, инверсия ва бошқа шаклий ўзгаришлар) ва маъно кўчишларининг (синтактик полисемия, омонимия кабилар)турлари, уларни юзага келиш сабабларини ёритиш мақсадидаги таҳлил, сўзсиз, матн синтаксиси ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

прагматикаси даражасига кўтарилади. Бундай таҳлил тилшунослик соҳаларининг ҳамкорлиги натижасидир. Тил тизими ва лисоний фаолиятни ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ҳодисаларнинг белги ва хусусиятларини бириктирадиган, уларнинг барчаси учун бир хилда таянч нуқтаси вазифасини ўтайдиган умумлашган таҳлил тизимини топиш лозимлиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган эди**. [И.А. Бодуэн де Куртенэ, 1963:20]**

Тил ходисаларига асосли ва айни пайтда, ҳолисона изоҳ бериш имконини яратадиган бундай тахлил услуби тизимини излаш ҳаракати ҳозиргача давом этмоқда. Муаммо долзарб, аммо, умумлашган таҳлил тизимини таъминловчи “таянч” ғояни топиш фан ривожи учун муҳим.

Кейинги йилларда тилшунослар бундай “таянч” ни когнитология (cognative science-тафаккур ҳақидаги фан) дан топгандай бўлишмоқда. Сўзсиз, лингвистик таҳлил-когнитив таҳлилнинг бир тури, унинг маълум бир кўринишда номоён бўлишидир. Ўшанда, XIX аср охирларидаёқ тилшуносликнинг психологик ва социологик руҳда бўлишини қайд қилган Бодуэн де Куртенэ “Тилда руҳий ва ижтимоий факторлар ҳаракатда бўлиши сабабли, тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида, дастлабки ўринда, психологияни ва сўнгра инсонларнинг жамиятдаги мулоқот, муносабатлари ҳақидаги фан социологияни танлаймиз” деб ёзганлигини эслаймиз. **[И.А. Бодуэн де Куртенэ, 1963, 217б.]**

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Назаримизда, фанлар ўртасидаги боғликлик ҳақида гапирганда, уларнинг бирини иккинчисига ёрдамчи деб қараш унчалик тўғри бўлмайди. Акс ҳолда, фанлар ҳамкорлиги асосида юзага келадиган йўналишларни алоҳида соҳа сифатида ажратиш мумкин бўлмас эди. Тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида ифодаланувчи ҳодисадир. Когнитив тилшунослик ҳам инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланувчи фанлар таркибига киради.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча cognitive- “билишга оид” сўзи билан боғлиқ. (Қиёсланг: cognize- билмоқ, англамоқ, тушунмоқ. cognition– билиш, тушуниш). Маълумки, дунёни, воқеликни билиш, уни идрок этиш оддий жараён эмас. Айрим ҳолларда билишни тўғридан-тўғри фаҳмлаш, тушуниш ҳаракатлари билан боғлаб қўйишади. Аммо, ҳайвонларга ҳам қисман (оддий шаклда бўлса ҳам) фаҳмлаш, тушуниш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилияти хос эканлиги маълум. Шу сабабли билиш фаолияти

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

ҳақида гап кетганда, фақатгина cogutation- лотинча ақл, тафаккур ҳодисасини тасаввур қилиш билан чекланмасдан, балки, cogutorium –тафаккур фаолияти шахсини ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча турдаги номентал (ижтимоий, маданий, лисоний) ходисаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади. Шуни унутмаслик лозимки, тафаккурнинг ўзи инсоннинг мақсадли фаолияти натижасида ҳосил бўлиб, у инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида воқеликка нисбатан билдирилаётган фаол муносабатнинг ифода топишидир.

Тафаккур фаолияти жараёнида юзага келадиган билим турли кўриниш ва хусусиятга эга бўлади. Бу фарқ дастлабки ўринда билимнинг қай йўсинда ва қай мақсадда ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Воқелик ҳақидаги оддий кундалик билим тажриба натижасидир. Билим маданий ҳодиса сифатида талқин қилинганда, бу шаклдаги билимнинг маълум ижтимоий гуруҳ маданияти учун хос бўлган меъёрларга қанчалик даражада мос келиши назарда тутилади. Лисоний билим иккинчи тургa оид, чунки тил миллатнинг маданий бойлигидир. Бу билим инсоннинг онгли фаолияти замирида шаклланади ва бу фаолият амалга ошишида муҳим роль ўйнайди. Айнан, лисоний билим лингвокогнитив таҳлил сифатида танланиши ҳам бежиз эмас.

Шубҳасиз, билим инсон хотирасида сақланган (ҳеч бўлмаса из қолдирган) тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидир. Аммо, бу тўпламнинг қандай таркиб топиши ундан фойдаланиш механизмини ўрганиш етарли даражада мушкул вазифа. Америка биҳейвиористлари инсон билимлари дунёсини “қора қути”-яъни, “ўқилиши мушкул бўлган манба” деб таърифлашади. Чунки, билим жамланишини таъминловчи воситаларнинг иш тартибини бевосита кузатишнинг имкони йўқ. **[Schnelle H. 1981.-p 105-126]**.

Тўғри, инсоннинг билиш қобилиятининг асослари, айниқса, мия ярим шарлари фаолияти билан боғлиқ томонларини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Психолингвистлар ва нутқий фаолият ижроси ва унинг қабул қилинишини (аниқроғи, идрок этилиши) таъминловчи мия қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни тўплашган бўлса-да, ушбу нейрофизиологик тизимнинг ўзи ҳануз сирлигича қолмоқда. Олимлар мия чап ярим шари нутқий маълумотни қабул қилувчи ва узатувчи худудлар (бу ҳудудлар нейрофизиологлар Брака ва Вернике номлари билан аталади) ўзаро мураккаб муносабатда эканлигини доимо уқтиришади. **[Иванов В. 1978. -184 с.]** Лекин, бу муносабатлар юзага келади-ю, уларнинг замирида нима туриши тўғрисидаги фикрлар у қадар аниқ эмас. Балки, нейрофизиологик тузилмаларнинг вазифалари ва уларни харакатлантирувчи механизмларнинг иш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

фаолиятини аниқлаш учун дастлаб, лисоний фаолиятнинг когнитив тизимини батафсил ўрганиш лозимдир. Бу эҳтимолнинг ҳақиқатга ўта яқинлиги когнитив тилшунослик тараққиёти жараёнида ўз исботини топмоқда.

Билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш ва ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими когнитив таҳлил объекти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ, бундай шубҳа бир пайтлар айрим тилшунослар томонидан билдирилганлигини ҳам эслаймиз. Жумладан, генератив тилшунослик ғояларининг фаол тарғиботчиларидан бири Ж. Кац тил ҳеч қандай антологияга эга бўлмаган мавҳум ходиса эканлиги учун тилшунослик фани ҳам мавҳум предмет билан машғул бўлишини уқтиришга ҳаракат қилган эди. **[Katz J., 1981.]** Унинг фикрича, тилшунослар сўзловчиларнинг ўз тили ҳақидаги билими билан улар биладиган тиллар ўртасидаги катта фарқ мавжудлигини англамоқлари зарур**.** Нутқий бирликларни жисман кузатиш ва ҳис этиш мумкин. Шу сабабли, улар ҳақидаги ҳар қандай билим антологик хусусиятга эга бўлган предмет-ҳодиса ҳақидаги билимдир. Аслини олганда, билим тилга нисбатан анча мавҳум, чунки уни жисман кузатиб бўлмайди. Билимнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигидан. Тилнинг ўзи эса когнитив тизимнинг фаолияти маҳсулидир, лисоний таркиблар тафаккур натижасида шаклланади.

Лисоний ҳодисаларнинг билим, тафаккур, хотира ва мия кабилар билан муносабати масаласи талқинида биҳейвиористлар нуқтаи назаридан ёндашув қандай салбий натижаларга олиб келиши барчага маълум. Психолог Б. Скиннернинг 1957 йилда нашр этилган “Verbal behavior” “Лисоний ҳаракат” китобида билдирилган фикрлар кўпгина тадқиқотчиларга дастлаб эътиборлидек туюлди. Улар лисоний ҳатти-ҳаракатни ҳар қандай бошқа ҳаракатдан фарқи йўқ ҳодиса сифатида ўрганиш ғоясини илгари суришди. Бундай ғоянинг илмий жиҳатдан нотўғри эканлиги кейинчалик олимлар томонидан тўлиғича исботланди. Б.Скиннернинг рисоласи чоп этилганидан икки йил ўтмасданоқ Н.Чомский батафсил тақриз эълон қилиб **[Chomsky. 1959]** биҳейвиоризмнинг қанчалик асоссиз эканини исботлашга уринди. Дарҳақиқат, лисоний фаолият фақатгина инсонга хос фаолиятдир, ҳамда у яна бир инсонга хос бойлик-тафаккур билан бевосита боғликдир.

Тил ва тафаккур муносабати муаммосининг узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган муҳокамаси турли муаммоларни юзага келтирди. Воқеликни мияда акс этиши фақатгина нутқий тафаккур ҳаракати натижасида юзага келмаслигини исботлаш мақсадида Б.А.Серебренников тафаккурнинг лисоний

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

ва нолисоний турларини фарқлашни таклиф қилган. **[Серебренников Б.А. 1983. -103-110]** Булар қуйидагилар:

1. Аниқ тафаккур- аниқ, конкрет муҳитда юзага келадиган воқеликнинг умумлаштирилган образи (акси):
2. Расмий тафаккур- хотирада мавжуд бўлган бутун бир воқелик ёки предмет-ҳодисаларни алоҳида бир муҳитга, шароитга боғлиқ бўлган ҳолда қайта эслаш:
3. Амалий тафаккур- бевосита мақсадли ҳаракатлар билан боғлиқ фикр:
4. Лингвокреатив ёки лисонни шакллантирувчи тафаккур, яъни бу турдаги тафаккур ҳаракатлари бевосита тил тизими иборалари билан боғлиқ:
5. Лисоний тушунча тафаккури- бу турдаги тафаккурнинг алоҳида ажратилиши, воқелик ҳақидаги тушунчанинг пайдо бўлиши нутқий харакатдан олдинги босқичга оидлиги билан боғлиқдир.

Тафаккур қайси ҳолатда ва қандай кўринишда ҳаракатга ўтмасин, ягона бир вазифани бажаради.У воқелик ҳақидаги ахборотлар қабул қилиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тартибга солиш усулидир.Бу усул воситасида ҳосил бўладиган ғоя ёки фикр воқеликнинг унда акс этиш шаклидир. Тафаккурнинг ҳаракатланиши ва фикрнинг шаклланиши воқеликнинг бевосита онгда акс этишини таъминловчи жараён билиш фаолияти билан боғлиқ. Тилнинг билиш фаолиятидаги ўрни алоҳида, у воқеликни идрок этиш ва билиш (фаолиятдаги ўрни алоҳида) воситаси-қуролидир. “Тил –нафақат мулоқот қуроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи қуролдир” деб ёзган эди С.Д.Кацнелсон. Тилнинг тафаккур фаолиятидаги ролини билиш учун онг ва тилнинг муносабатидаги оддий бир ҳол (ҳодиса) сифатида қарамаслик лозим. Бу муносабат икки мустақил ҳодисанинг ўзаро “мулоқот” идир. Худди шу “мулоқот” ментал фаолиятнинг лисонийлашувига олиб келади. Зеро, лисоний ва мантиқий фаолиятлар бир-бирига ҳамроҳ бўлиб улар ягона нутқий тафаккур жараёнини ташкил этади. Демак, тил онгни шакллантирувчи воситалардан биридир. У онгда энг оддий бирламчи (элементар) тафаккур категориялари пайдо бўлишини таъминлайди. Ушбу “категорияларсиз алоҳида нутқий тузилмалар гапларни тушуниш ва фикр (ғоя) нинг шаклланиши ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.” **[Кацнельсон С.Д. 2001, 480-бет].**

Қай даражада эканлигидан қатъий назар тил ва тафаккур муносабати фалсафа, тилшунослик, психологик фанлар доирасида анча батафсил муҳокама қилишини когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустахкам таъмин яратди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

Лемяньковнинг фикрларига кўра когнитив тилшунослик маъмурий тадқиқот йўналиши, соҳасидир. Шундай экан, когнитив тилшуносликка лисоний қобилиятини таркиб топишини тушунтирувчи фан сифатида қараш бежиз эмас. Бу соҳанинг асосий вазифасини инсон томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари ҳамда бу механизмларнинг таркибини "системавий тасвирлаш ва тушинтиришдан иборат" деб таърифлаши бундан гувоҳлик беради. Ҳақиқатдан, когнитив таҳлилда оламни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий (ментал) структураларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи механизмлар қамровидаги услуб ва воситалар тадқиқи асосий ўринга кўчади.

Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок қилиш қатор мантиқий руҳий харакатларни ўз ичига олган мантиқий фаолиятдир. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини, албатта, маълум бир объектни бошқа объектлар қаторидан ажратиш ҳаракати ташкил қилади. Бир объектни бошқасидан ажратиш учун унинг фарқловчи белгиларини топишни лозим, кейинги босқичда эса фарқловчи белгиларининг чоғиштирилиши асосида объектнинг ҳиссий рамзи юзага келади. Ниҳоят, воқеликни билишнинг муҳим босқичи умумлаштириш харакати амалга ошади. **[Горский Д.П. 1985. -208 с.]** Санаб ўтилган ментал ҳаракатлар когнитив структураларни (тафаккур фаолияти қисмларини) ташкил қилиб, объект ҳақидаги тушунчанинг шаклланишини таъминлайди.

Тушунча – ментал тузилма, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли (тур) дир. Тушунча қандайдир бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва ушбу синфни унга кирувчи предметларнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуасига нисбатан ажратувчи мантиқий фаолият натижасида ҳосил бўлади. **[Войшвилло Е.К. 1989. -91-бет**]. Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган "тушунча" ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган "концепт" атамалари ҳам тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади. Буларнинг иккисининг хам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет-ходисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ, дастлаб, ҳар бир шахсда алоҳида, индивидуал кўринишда бўлади. Масалан, "гул" бир киши учун "атиргул" бўлса, бошқа бирор киши учун эса "райҳон". Ҳиссиёт ва тафаккур фаолиятининг юқори босқичларида индивидуал образ аниқ предметдан узоқлашиб боради ва асл мантиқий "ақлий" ҳодисага айланади. Воқеликнинг бундай ҳис ва тафаккур этилиши, умумлашган ва қисман мавҳумлашган образнинг юзага келиши барча учун бир хил код-рамзий белги ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу хилда пайдо бўладиган мантиқий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

тузилмани психолог Н.И. Жинкин “универсал предмет коди-УПК” деб аташни таклиф қилади. Олим бу ҳодисанинг юзага келишини инсон миясининг ирсий ва наслий хусусиятлари қаторига киритади.Унинг фикрича ақлий қобилият тушунча, ҳукмни яратади, воқеликни тасвирлаш ва инсон фаолияти сабабини кўрсатиш учун турли хулоса ва мулоҳазаларга келади.Бу мантиқий ҳаракатларнинг бажарилиши шахснинг қайси тил соҳиби эканлигига боғлиқ эмас. Худди шунинг учун ҳам интеллект (ақл) умумий бошқарув функциясини ижро этади, бу универсал предмет коди кўринишидаги кодлаштиришдир. **[Н.И. Жинкин, 1982, 88 б.]**

Шундай қилиб, тушунча ва ҳукмнинг ҳосил бўлиши ақлий фаолиятнинг турли босқичларига оиддир. Бир гуруҳ олимлар ҳукмнинг бирламчи эканлигини эътироф этишади. Бошқалар, ҳақиқатдан ҳам, мантиқий субъект ва предикат бирикишидан ҳосил бўладиган ҳар қандай оддий ҳукм (Масалан: қор ёғмоқда) предмет образларининг ўзаро муносабатдалиги, боғланишдан бошқа ҳеч нарса эмас,-деган фикрни илгари сурадилар.

Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди. Таниқли файласуф ва психолог Ж.Фодор воқеликнинг онгда инъикос этилиши ва бу инъикоснинг тафаккурда қайта ишланиши жараёнини ўрганаётиб, бу жараённи тафаккур лисонига ўхшатади.Чунки “ ҳар қандай мантиқий тасаввур ҳаракати маълум кўринишдаги структурага эга бўлади, ҳамда бу структура табиий тил бирлигининг синтактик шакли такрорига ишорадир**”.[Fodor J. 1975, 110-бет]** .

Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир. **[Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. 1985. –90-бет]** Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилиши жиҳатидан аниқ тузилишга эга эмаслиги қайд қилинади. Бироқ бу қайд унчалик ҳақиқатга мос эмас. Зеро, концептнинг асосини ташкил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиламчи ўринни эгаллаган бўлаклари мавҳумликка эга бўлиши билан биргаликда, улар ягона негиз (ядровий асос) атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикадилар. Шу сабабли, концепт таркибининг тизимий хусусиятлари тузулиш жиҳатдан мураккаб тартибли бўлишида ва бир бутун ментал тузилма сифатида идрок қилинишида номоён бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

Предмет- ҳодисаларнинг онгли идрок этилиши ва уларнинг тасаввурида образ ҳосил бўлиш йўли билан жамланадиган билим турлича шаклланади ва ҳар хил характерга эга бўлади. Бу бевосита турли гуруҳдаги ва тузилишдаги концептларни шаклланишига сабаб бўлади. Концептларнинг гуруҳланишида уларнинг лисоний ифодаланиш услубларига таянилади. Тадқиқотчилар лексик ва фразеологик концептлар қаторида, грамматик таҳлил қилишни афзал кўрадилар.

Тилшуносликда бизнес туризми атамаларининг туризм ва бизнес туризми мақсадини англанишида, когнитив таҳлил 3 хил моделда олиб борилади: *1. Концептуал модел; 2. Демографик характердаги модел; 3. Тест натижалари асосидаги модел*, кабилар.

1. Концептуал модел: Хорижий тил ўқитувчилари тажрибаларидан маълумки, баъзи талабалар ва тил ўрганувчилар янги тилни концептуал моделда тезроқ ва осон ўрганадилар. Албатта, тил ўрганувчиларнинг чет тилини ўрганишга бўлган иштиёқи ва табиий мотивацияси бундан мустасно. Рубиннинг **[Рубин, 1981]** таъбирича, когнитив омиллар: вербал интелигентлик, кобилиятнинг фонологик жараёни, атамаларни узоқ вақтли хотирада сақлаш қобилияти ва хорижий тилни ўрганишга бўлган кучли иштиёқи ва қизиқиши кабилар иккинчи чет тилини ўрганишни тезлаштирадиган когнитив омиллар ҳисобланади. Биринчи омил вербал илтеллигенция тил ўрганишда, айниқса, бизнес туризми атамаларини ўрганишда сўзлар, ёзма ва сўзлашув дискурсида амалга оширилади. Шу ўринда Харвард Гарденернинг салоҳият борасидаги назарияларини эслашимиз ўринлидир. **[Howard Garderner,1993].** Бизнес туризми атамаларини ўқитишнинг педагогик жиҳатдан қуйидаги фаолияти мавжуд ва улар: а) Сўзлашув жараёнида расмий ва норасмий тинглаб тушуниш; б) овоз чиқариб ёки овозсиз ўқиш, ёзиш, ҳикоя сўзлаб бериш, изланишлар, шеър, драма, ҳазиллар, тасвирлаш, янгиликлар ва шарҳлар; в) дебатлар ташкил этиш, бадиий ўқиш, нотиқлик, импровизация тайёр бўлмаган нутқ; г) Газета журнал ва матбуотларда чиқишлар қилишга ўргатиш; д) Интервьюлар уюштириш, сўзлашув шоу ва суҳбатлари, ролли ўйинлар, драма, ҳикоя сўзлаш; е) Жумбоқ ечимини топиш, кросворд, вокабуляр ўйинлар, тез айтишлар; ж) Тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш; з) Лозунглар яратиш, кейс муаммоларини топиш. Сўнгги сўз ўрнида ҳулосалаш; ё) луғат банкини яратиш кабилар интерфаол фаолиятлар орқали амлага оширилади.

Иккинчи когнитив омил, яъни хорижий тилда бизнес туризми атамаларининг узоқ вақт хотирада сақлаб қолиш омили тил ўрганувчиларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

кучли ҳохиш ва иштиёққа сабаб бўлиш билан бирга тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиради. Бу борада тинглаш, эшитиш, тушуниш, англаш, сўзларни таҳлили ва талаффузни тўғри бажариш каби малакалар ривожлантирилади. Бу омилга кўра тилда ҳудди табиий хорижлик сифатида сўзлашга талаб юзага келади. Бизнес туризмида бу омил етакчи бўлиши билан характерлидир, чунки сайёҳларни кутиб олиш ва уларни мамлакатимиз ҳақида ижобий таассуротлар билан юртига қайтишида хорижликларни тушуниш ва улар билан юксак даражасида мулоқот қилиш зарур бўлади.

Учинчи энг зарур когнитив омиллардан бири хорижий тилни ўрганишда луғат тизимини тўла ва мукаммал эгаллашдан иборат. Сўз, сўз бирикмалари, фразалар, атамалар ва нутқ этикетларини ўрганиш ва ёдда узоқ вақт сақлаб қолиш бизнес туризми атамаларини ўргатишда ва ўрганишда сўзсиз етакчи омил бўлади. Бизнес туризмига оид сўз, сўз бирикмалари, фразалар ва атамаларни ўрганувчилар тушуниши, парадигматик ва синтагматик жиҳатларини фарқлаши зарур, бу борада кейинги ўринларда тўлиқ тўхталиб ўтамиз. Сломов **[Slomov, 2012, 13б.]** нинг таъкидлашича, бу омил хорижий тил ва она тили ўртасидаги семантика ва прагматика билан боғлиқ. Сўз, сўз бирикмалари, фразалар ва атамаларни иккала она тили ва ўрганилаётган тилда солиштириб, фарқли ёки ўхшаш томонларини билишга қаратилган когнитив омил тил ўрганувчлардан икки хил зарурий нарсани талаб этади. Улардан бири аудив ўхшашлик (Audible simillіarities) маъно ва талаффуз жиҳатидан ўхшаш сўз ва ибоарларни тўғри англаш ва қўллай билиш; иккинчи омил (mnemonics) мнемоника бўлиб, биз ўрганишимиз зарур бўлган бизнес туризми атамаларини бирорта воқелик, қўшиқ, шеър, нарса ҳолат аниқ реал вазият ва фильм орқали ёдлаш, ўзлаштиришдир. Кейинчалик эса сўз бойлигини ошириш фаолияти махсус мавзу(topic) ёки матнлардан ўзлаштирилиши мумкин.

Умуман айтганда, тилни когнитив ўрганишда ва ўқитишда контекстуал характердаги модел лингвистик малака ва кўникмаларни ривожлантириш билан узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бизнес туризми атамаларининг когнитив жиҳатидан ўрганиш ҳам соҳани ривожлантиришдаги муғим ҳаракатлардан эканлиги ва туризм тил ва тилларни ўрганиш билан амалга ошади.

2. Демографик характердаги модел: Демографик моделдаги когнитив таҳлил аҳолининг демографик ёши, ўсиши ва камайиши билан боғлиқ ижтимоий ҳолати, яшаш тарзи ва келиб чиқиши билан боғлик. Маълумки, мустаққиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

ёши 35 - 40 ёшни ташкил этган бўлса бугунги кунда 60 – 70 ёш оралиғини кўрсатмоқда. Туризм ва бизнес туризмининг ривожланиши аҳолини демографик ҳолатига узвий боғликлиги омиллари туризмда энг муҳим сифатлардан биридир. Аҳолининг демографик ёши юқорилиги мамлакатимизда диний туризм саёҳатини ривожланиши учун яққол омилдир. Ҳар йили мамлакатимизда ҳаж сафари ва умра саёҳатларини 30 фоизга кўпайиши фиикримизнинг исботидир.

3. Тест натижалари асосидаги модел: тест натижалари асосидаги модел асосан туризм ва бизнес туризмида 3 хил ўлчамда олиб борилади; Когнитив, таъсир кўрсатувчи ва эмоционал ва фаол харакатланиш ўлчамлари кабилар **[W. Gatner, 1993: 191-215]** *1. Когнитив ўлчамлар (Cognitive dimensions)* (туризм саёҳати тушунчаси семантикаси ва моҳияти, туризм ривожи омиллари, турлари, ички ва ташқи туризм салоҳияти, бизнес туризми ривожи кабиларни очиқ тест ва сўровномалар орқали англашдан иборат); 2. *Таъсир кўрсатувчи ва эмоционал ўлчамлар (Affective dimensions)* (туристлар ҳиссиётларини ва фикрларини, саёҳатдан сўнг қайта саёҳат қилиш иштиёқини ривожлантириш юзасидан тестлар ва анкеталар орқали амалга оширилади); *3. Фаол харакатланиш ўлчамлари (Conative dimensions)* (фаол харакатланиш ўлчами туризм ва бизнес туризми мақсадини амалга оширишда хизматлар ва транспорт соҳаларида кўринади).

ХУЛОСА

Умумий ҳулосаланимизда, тилни когнитив ўрганишда ва ўқитишда контекстуал характердаги модел лингвистик малака ва кўникмаларни ривожлантириш билан узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бизнес туризми атамаларини когнитив тарзда ўрганиш ҳам соҳани ривожлантиришдаги муҳим харакатларданлиги ва туризм тил ва тилларни ўрганиш билан амалга ошади.

Бизнес туризм соҳасида турли кўринишдаги фаолиятлар: ушбу соҳани ривожлантириш ва жадал юритилиши билан боғлиқ малакали кадрларни, гидларни тайёрлаш, янги меҳмонхоналар очиш, миллий ҳунармандчилик, саноатни туризм билан боғлиқ маҳсулот ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, турли ҳил фирмалар, хорижга жўнатиш ва сайёҳларни кутиб олиш хизматлари ёки ички ва ташқи туризмда фаолият олиб борувчи ташкилот ва идораларни очилиши, ташкилотлар ва муассасалар томонидан турли ҳил тадбир ва конференцияларни ўтказилиши, туристларни дам олиши билан боғлиқ фаолият

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

олиб борувчи хизматлар масалан меҳмонхона ва транспорт хизматини юритиш, туристлар учун миллий ва чет эл таомлари озиқ овқатларини тайёрлаш, етиштириш ва етказиб бериш каби бизнес соҳалари ҳам жадал ривожлананиши ҳамда соҳалар бўйича давлат солиқлари ва божларини тўланиши ҳам алоҳида ривожланиш омиллари сифатида эътироф этилиши билан бирга бу соҳада тилга бўлган эҳтиёжни инглиз ва ўзбек ҳамда бошқа тилларида соҳа атамаларини ва туризм йўналишларини илмий ва назарий таҳлили кенг когнитив жиҳатдан ўрганилиши жуда муҳим тадқиқотларнинг асоси ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранная труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963. Т.I –с.203-222.
2. Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранная труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963. Т.I –217-бет.
3. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. –М.: Изд-во МГУ, 1989. -91-бет.
4. Gatner W., Image formation process. In M.Uysal and D. Fesenmainer Communication and channel systems in Tourism marketing, New -York, The Harworh press, pp 121-215, 1993.
5. Gardener H., Intelligence and Intelligences: Universal principles and individual differences. Archives de psychologie, 61, 169-172.
6. Горский Д.П. Обобщение и познание. –М.: Мысль. 1985. -208 с.
7. Иванов В. Вс. Четные и нечетные асимметрия мозга и знаковых систем. –М.:Советское радио, 1978. -184 с.
8. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. –М.: Наука, 1982: 88-бет.
9. Кочергин А.Н. Взаимодействие наук как комплексная проблема. В кн.: Взаимодействие наук как фактор их развития. – Новосибирск: Наука, 1988. – с. 5-20.
10. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: Наука, 1972. 110-бет.
11. Fodor J. The Language of Thought.-Sussex, 1975, 110-бет.
12. Katz J. Language and other abstract objects. Oxford: Blackwell, 1981.
13. Rubin, J., Study of cognitive process in second language learning, Applied linguistics, 2, 117-31.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-195-208

14. Sapir E. The status of linguistics as a science. In: Selected writings of Edward Sapir in language, culture and personality. Berkley: Univ. of California Press, 1968.-p.160-166.
15. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М.: Наука. 1983. -103-110-бетлар.
16. Сафаров Ш., Когнитив тилшунослик, Сангзор нашриёти, Жиззах, 2006.
17. Slomov D., How to master successifully any language of the world, www.free-ebooks.net\tos.html.
18. Schnelle H. Introspection and the description of language use. In: A festschrift for native speaker. The Hague: Monton, 1981.-p 105-126.
19. Кацнельсон С.Д. Категории языка и явления. Из научного наследия. Москва: Языкы славянской культура. 2001, 480-бет.
20. Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Падежная грамматика. В кн. современные зарубежные грамматические теории. М.: ИНИОН. 1985. –90-бет.